ШИРИН ШАРБАТ ВА ШИННИ

СУРХОНДАРЁ. Қумқўрғон туманидаги "Қумқўрғон" жамоа хўжалигида қурилган цехда ўтган йил 30 тоннадан зиёд узумдан 2,5 тонна тоза спирт олинди. Хўжалик боғи 420 гектар. Шунинг тўртдан уч қисмида узум етиштирилади.

Узумни қайта ишлаш деганда жамоадагилар фақат майизни тушунишарди. Энди бўлса узум шарбати ва шинниси тайёрлаш, спирт ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ишлари устида бош қотиришмоқда.

Олимжон УСАНОВ

ҲАР ОЙДА 70 МИНГ СЎМ

НАВОИЙ. Қизилтепа пахта тозалаш заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида тола чиқитларидан нотўқима материаллар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Ингичка толали пахтани қайта ишлайдиган бу цех нафақат Қизилтепа пахта тозалаш заводини, балки Навоий вилоятидаги шундай турдаги корхоналарни тола тойларини ўровчи материал билан таъминлайди. Бу эса заводга ҳар ойда 60-70 минг сўм атрофида соф фойда келтиради.

Баҳодир ЭГАМОВ.

КУННОМА

янгиликлар
воқеалар
хабарлар

ЎЗБЕК ОЛИМИ – ХАЛҚАРО АКАДЕМИК

АНДИЖОН. Янги йил тиббиёт институтининг мудири, профессор, Нью-Йорк академиясининг академиги Сайфиддин Турсуновга қувонч келтирди. Олимнинг инсон саломатлиги ва экология йўналишидаги илмий изланишлари муносиб баҳоланди. У халқаро экология ва ҳаёт фанлар академиясининг академиги бўлди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЧОРВАДОРЛАР ХОНАДОНИГА – "ЗАНГОРИ ОЛОВ"

НУКЎС. Беруний туманидаги Қизилқалъа ижара хўжалиги чорвадорлари хонадонида "зангори олов" ёнди. Қўшни Азат қишлоғидаги 210 хонадон ҳам ана шундай қулайликдан баҳраманд бўлди. Беруний туманининг чекка қишлоқлари ҳам газлаштирилмоқда. Яқин кунларда Беруний, Абай ва Улуғбек номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари аҳли ҳам табиий газ ёқа бошлайди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 16 январь, пайшанба № 7 (22.092).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЧЕХИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ПРАГА, 15 январь. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Чехияга келди.

Бугун эрталаб Прагадаги ҳукумат уйида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президент Ислом Каримовга Чехия Бош вазири Вацлав Клаус пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Чехия давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Чехия Бош вазири В. Клаус ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шундан кейин Ўзбекистон раҳбари ва Чехия Бош вазири иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамда Чехия Бош вазири ўринбосари И. Кочарник имзолашди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Чехия Саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Чехия «Коммерчни банки»и ўртасида ҳам ҳужжат имзоланди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Чехия сенати ва вакиллар палатасига ташриф буюриб, парламент раҳбарияти билан учрашди. Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирилди.

Тушдан сўнг Президент Ислом Каримов Прага қасрига келди. Бу ерда фахрий қоровул саф тортди ва икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ушбу хабар узатилаётган пайтда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Чехия Президенти Вацлав Гавел ўзаро холи суҳбатлашмоқда. Суҳбат сўнгида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия республикаси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида Қўшма баёнот имзоланиши кутилмоқда. Ҳужжатни Ўзбекистон ва Чехия давлатлари раҳбарлари имзолайдилар.

Мамлакатимиз раҳбари бугун Прага мэриясига ҳам ташриф буюриб, шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар кенгаши аъзолари билан учрашади.

Ўзбекистон Президентининг Чехияга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Руҳий покланиш сари

МАЪНАВИЯТ МЕЪМОРИ НИМА ҚУРА ОЛАДИ?

Бухоро вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида Президентимизнинг дилдан айтган гаплари ҳар бир юракка бориб тегди. Чунки барча ютуқ ва камчиликлар рўйирост кўрсатилди. Дарвоқе, агар кўзгу бўлмаса, одам ўз айб-нуқсонларини кўролмайди. Юртбошимиз гўё катта бир кўзгуни рўпарамизга қўйдилар. Унга қараб ўз хатоларимизни кўрдик. Иншооллоҳ, бу нуқсонлар тузатилади, бартараф этилади!

Ушанда сиёсий, иқтисодий масалалар билан бирга маънавият ҳақида ҳал қилиниши зарур бўлган ишлар, масалалар кўрсатилди. Мустақиллик шарофати туфайли республикамизнинг шаҳар-қишлоқларида, шу жумладан Бухорода ҳам янги-янги бинолар, обидалар қуриляпти. Уларни кўриб кўзимиз қувонади. Яқинда пойтахтимиз Тошкентдаги Ҳазрат Амир Темур музейларини томоша қилиб, тўғриси, қалбим ифтихорга тўлди. Дарҳақиқат, XX аср обидаси бу! Унинг ичидаги жиҳозлар, айниқса, Мусҳафи Усмоний, яъни Халифа Усмон разияллоҳу анҳу даврларида кўчирилган Қуръони Каримни зиёрат қилиб, Оллоҳга шукроналар айтдик.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом деганларки, ўзини таниган Оллоҳни танийди. Бу обидалар, бундай иншоотлар ўзимизни танимоқ, тарихимиз, ўтмишимиз билан фахрланмоқ учун хизмат қилади. Ўзини таниган, ўз ўтмиши билан фахр этадиган киши таъмагирлик, порахўрлик, мансабпарастлик иллатларидан йироқ бўлади. Шу боис Президентимиз фахр тўғрисида, ушбу муқаддас туйғу ҳақида ҳар нутқларида гапиради.

Мустақиллик шарофатидан XX аср обидалари-ку қурилаётган экан, хўш, маънавият меъморлари нимани қурди? Авлодлар қурадиган, фахр этадиган обида ярата олдикми?

Маънавият меъморлари инсонлар қалбида муҳташам улуғвор обидалар тиклаши керак. Бу гоят нозик, ўта масъулиятли, айни пайтда долзарб масала. Зеро, маънавий олами ғариб кишидан лоқайд раҳбар, масъулиятсиз ишчи, тарбиясиз муаллим чиқади. Лоқайд раҳбар, масъулиятсиз ишчи, тарбиясиз муаллим эса жамиятимиз тараққиётига тўсиқдир.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, одамлар ҳалоллик, поклик, тўғриликка ташна. Ёлғонлардан, сохтакорликлардан безди. Демак, одамлар маънавиятга ташна, маънавият сувдай, ҳаводай зарур.

Маънавият — бу ўтмиш билан ҳозир ва келажак орасидаги буюк кўприкдир. Қай миллат мана шу кўприкни таъмирласа, мустаҳкамласа, унинг истиқболи порлоқ бўлади. Ана шу кўприк бузилган юртда таназзул бўлиши табиий.

Маънавият марказлари табаррук зиёратгоҳдай бўлиши керак. У ер томошахона, жиҳозхона эмас, балки руҳан покланадиган жойдир. Одам зиёратгоҳга келганида гуноҳлари учун тавба қилади, савоб, эзгу ишларга изн сўрайди. Қалбида покланиш, руҳиятида енгиллик, томирида ёшариш пайдо бўлади. Юрагига нур киради. Маънавият марказлари мана шундай нурхона, файзхона бўлиши керак.

Бухоройи шарифда «Маънавият боғи», шунингдек «Маънавият музейи»ни барпо этиш зарур. Чунки Бухоройи шариф Шарқ маънавиятининг бешигидир.

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ,
«Маънавият ва маърифат» маркази Бухоро вилояти бўлими мудири.

Дўстлик ва ҳамкорлик йўлида

ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛАР

Словакиянинг «Nitmex» фирмаси Тошкентдаги бош вакили М. Деҳқонов «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон билан Словакиянинг ишончли ҳамкорлар эканини таъкидлади.

— Бозорга кириб бориш — осон эмас, — дея давом этди у ўз сўзида. — Шунинг учун словак фирмалари ишни ўзбек бозори, унинг имкониятлари, истиқболлари билан танишишдан бошладилар. Қисқа бир давр ичида Ўзбекистонда словак фирмалари ваколатхоналари сони кўпайди. Уларнинг асосий қисми халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бу йил «Nitmex» фирмаси Ўзбекистонда кичик тўқув фабрикаси, кичик пиво ишлаб чиқариш, сут ва гўштни қайта ишлаш заводлари, шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш заводлари қурилишини бошлаш режалаштирилган. Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ислоҳотлар натижаларига ишонч, хорижий ишбилармонлар учун мавжуд имтиёзлар бундай аниқ вазифа ва мақсадларни амалга оширишга имкон берянти.

«Nitmex»нинг ўтган йилги обороти 30 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Фирма Словакияга икки ярим минг тонна ўзбек пахтаси жўнатди. Бундан ташқари, у словак енгил саноат корхоналари учун ипгигирув ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳам сотиб олди.

«Nitmex» ишлаб чиқаришга илғор технологияни жорий этишга алоҳида эътибор беради. Бухоро, Фарғона, Андижон тўқимачилик комбинатлари, Самарқанд трикотаж бирлашмаси каби йирик енгил саноат корхоналари ана шу фирма ускуналари асосида ишлаяпти.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги.

1997 йил одимлари

ҚОР ОСТИДА ЯШНАЙДИ БАҲОР



Баҳор. Бу сўзни айтганингиздаёқ кўнглингиз кўркам фасл табиати каби яшнаб кетади. Дили кўклам куёшига ошно халқимиз эса айни қиш чилласида ҳам фусункор далалар, мафтункор боғлардаги меҳнат ҳақида ўйлайди.

Тошкентимиз кўпдан буён орзикиб кутилган қор кўрпаси оғушига бурканган дамда Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу йиғинни бошкариб борган мамлакат Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий кўмита раиси Исмоил Жўрабеков алоқадор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар умумхалқ шодиёнасига пухта тараддуд кўришлари зарурлиги ҳақида тўхталди. Мутасадди идораларнинг раҳбарлари амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисоб беришди.

— Бу йиғинда қўйилган вазифалар бағри кенг халқимиз табиатига жуда мос келади, — деди мазкур мажлис иштирокчиси, Олий Мажлис депутати Шукур Темиров биз билан суҳбатда. — Азалий байрам шарофати билан маҳаллалар, гузарлар янада обод бўлади.

Хуллас, байрам тараддуди халкимизнинг бунёдкорлик ишларига бўлган иштиёкини янада жўш урдириб юборади.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Рахматов, Бош вазир ўринбосарлари Алишер Азизхўжаев, Рустам Юнусов иштирок этишди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ЭЛИМ ДЁСАНГ, УНАСАН

Меҳнатда чиниққан, ишнинг кўзини биладиган Комил Жабборов хусусий корхона— фирма ташкил қилишнинг ташаббускорларидан бири бўлди. Хўжайлидан чиқаверишда Эски шаҳар-Пристан-Нукус тош йўлининг бўйида уни қуришга қарор қилди. Бу Хўжайли тумани ҳокимияти томонидан ҳам маъқулланди.

Хусусий фирмада 30 дан кўпроқ киши ишлайди. Фирмамизга жажжи ўғлим Эргаш исмини қўйдик, — деди у. — Дастлабки натижаларимиз ҳозирдаёқ яхши. Хизматимиздан мижозларнинг миннатдор бўлиши учун сифатга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

— Фирма мажмуини тўла битказиб ишга тушириш мақсадида давлатдан 6 миллион сўм қарз олган эдик. Ниятларимиз катта, — деди сўзини давом эттириб «Эргаш» хусусий фирмаси директори Комил Жабборов. — Фирманинг ҳар бир ходими ишлаб чарчамайдиган йигит-қизлардан. Улар бирон ишни қўлга олдими, бажармагунича тиниб-тинчишмайди. Мана шунинг учун бўлса керак, режалаштирган ишларимизнинг ҳаммаси қунгилдагидек бажариляпти. 6 гектар еримиз бор. Келажакда ана шу ерларга олма, ўрик, шафтоли, нок, ток ва бошқа мева кўчатлари ўтказиб боғ қиламиз. Ярим гектар майдонда иссиқхона қурамиз. Қорамоллар бош сонини 80 бошга етказиб, гўшт-сутни ўзимизда етиштирамиз. Яхши ниятларингиз ўзингизга ҳамроҳ бўлсин, ишбилармон укам!

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ФАРҚИ БИТТА — ЎЗГАРИШ КАТТА

Пойтахтимиз йўлларининг серқатновлиги кишининг ақлини шоширади. Тинимсиз ўтиб турган автомобиллар карвони гоҳида оқаётган дарёга ўхшаб кетади. Мана шундай чиройли манзарани баъзан йўл-транспорт ҳодисаси хунуклаштиргани чатоқ. Шунинг учун кўча тасодифларга тўла дейишади-да!

— Ўтган йили пойтахтимиз йўлларида 2302 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди, — деди Тошкент шаҳар ИИБ ДАН бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Юсупов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан куни кеча бўлиб ўтган матбуот конференциясида. — Бу олдинги йилдагидан битта камдир.

Шаҳар ДАН бошқармасининг янги раҳбари рақамлардан ана шу биттагина фарқни яхши томонга ўзгариш, давлат автомобиль назорати ходимларининг саъй-ҳаракати деб баҳолади. Бинобарин, пойтахтимиз йўлларида бир йил ичида фақат шахсий автомобиллар сони 20 мингтага ошганини ҳисобга олсак, бу катта ўзгариш экани шубҳасиз.

Аммо йўл ҳаракатини ташкил этишда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳайдовчи ва пиёдаларнинг қоидаларга риоя қилмаслиги, йўлларнинг талабга жавоб бермаслиги ва бошқа салбий ҳолатлар ҳаракат хавфсизлигини тўла таъминлаш имконини бермаётир.

Матбуот конференциясида журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоблар берилди.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Луқма

«КАТТА ТАНАФФУС»

Тўқсон бешинчи йили 266- ва 584-қурилиш жамоалари Шўрчида туғуруқхона ва шифохонанинг 40 ўринли болалар бўлимини қура бошлади.

Тўқсон олтинчи йили қурилиш тўхтади-қолди. Вилоят капитал қурилиш бўлими бу ердаги ишни бир узрли сабаби бордирки, пул ажратмай қўйди.

Бир кун келиб, пул топилар ва қурилиш давом эттирилар, бунга шубҳа йўқ. Лекин, туман шифохонаси бош врачи Т. Маматхоновнинг айтишича, чала қолган қурилиш томлари чала-чулпа ейилиб, йиғиштирилмасдан қолган дастурхонни эслатаркан. Қанча гишту қанча плита сочилиб ётибди, ҳеч кимнинг парвойига келмайди. Қурувчи иш тамом дейилса, андавасини (анда-ва ўзиники-да, кўзига суртади) халтага уриб кетаверади. Буюртмачи очиқ-сочиқ қолган қурилишга қоровул ажратмайди. Биз учун акаларимиз янги иморатлар қуриб беряпти, деб бир вақтлар қувонган шифокорлар бўлса...

— Яқинда ўша объектга бордим, — дейди Т. Маматхонов. — Ишонасизми, томга қўйилган плиталар ўғриланган. Бу гапни пудратчию буюртмачига айтсам, елка қисишади.

Жарроҳ ишига танаффус берса ё чала қолдирса, биласиз, оқибатини. Шунга ўхшаб қурилишда ҳам катта танаффус қилиш нохуш манзарани юзага келтирмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РАМАЗОН МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИГИ

ВАШИНГТОН. Президент Клинтон Рамазон ойи бошлангани муносабати билан барча мусулмонларни табриклади. Ҳар йили Рамазон давомида бутун Америка ва жаҳондаги барча мусулмонлар ушбу байрамни нишонлайдилар, Ва улар қатъий равишда рўза тутадилар, деб таъкидлади у. Менинг барча табрикларим муқаддас Рамазон ойини нишонлаётган кишиларга етиб борсин. Рамазон ойида Америка ва бутун дунё мусулмонлари Муҳаммад пайғамбар томонидан Қуръоннинг қабул қилиб олинган кунини нишонлайдилар. Шу боис ҳам Муҳаммад умматлари камбағалларга ва жаҳондаги барча қашшоқларга ёрдам қўлини чўзадилар. Бу йил яна осмонда ярим ой пайдо бўлиши билан Рамазон ойи бошланди. Шу боис Хиллари билан биз иккаламиз барча мусулмонларга яхши тилаклар изҳор этамиз.

ГАНДИНИНГ ҲОКИ БАНК СЕЙФИДА 49 ЙИЛ САҚЛАНГАНДИ

Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг доҳийси Маҳатма Гандининг ҳоки ҳиндларнинг одатига кўра 30 январь куни Ганга дарёсига оқизиладиган бўлди. У худди ўша куни — бундан роппа-роса 49 йил аввал диний арбоблар томонидан ўлдирилган эди. Ўшанда Гандининг жасади ёндирилганди. Лекин унинг ҳоки ёғоч қутига солиниб банк сейфига жойлаштириб қўйилганди. Ўтган йилнинг ноябрь ойидагина ушбу қутича мамлакат олий судининг қарорига кўра Гандининг эвараси Тушар Арунга топширилди. Эвара эса ушбу қутича билан бутун Ҳиндистон бўйлаб кезиб чиқишга аҳд қилганди. Бироқ суд унга рухсат этмади. Энди эса эвара Оллоҳобод шаҳрига йўл олди. Бу ерда мамлакат бош вазири иштирокида мотам маросими якунига етади.

ГВАРНЕРИ СКРИПКАСИ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Хельсинкидаги опера театри оркестрининг созандаси Весе Райскиненнинг омади келди. Унинг Гварнери томонидан ясалган скрипкасини қайтариб беришди. Полиция комиссари Сеппо Сухненнинг айтишига кўра скрипкани ёш йигит келтириб берган. Ва уни Ванда шаҳарчасидаги ер ости ўтиш жойидан топиб олганлигини айтди.

Бу скрипканинг ноёблиги шундаки, унда 1700 йилда яшаган Гварнерилар оиласи аъзоларининг имзоси бор. Унинг нархи ҳам баланд — 120 минг доллар.

УЗОҚ УМР КЎРИШНИНГ СИРЛАРИ

Узоқ умр кўрганлар сони бўйича Америка бошқа мамлакатлардан ўзиб кетмоқда. Масалан, Калифорнияда яшовчи Лена Маклаклан 111 ёшда бўлса ҳам ҳали тетик ва бардам. У неварасини ҳам бемалол овута олади. Ленанинг икки фарзанди, учта невараси, 6 та эвараси, 7 та чевараси бор. Унинг узоқ умр кўриш сири қуйидагича: «ҳаётдан ва одамлардан қувониб яшаш».

КУЧЛИ ЁМҒИРЛАР ОҚИБАТИ

Грециядa 40 йилдан бери бундай челаклаб қўйган ёмғирни кўришмаган. Мамлакатнинг марказий ва жанубий туманларида ўтган душанба куни даҳшатли ёмғирлар ёғди. Бунинг натижасида айрим шаҳарлар ва апельсинзорлар сув остида қолди. Электр энергияси билан таъминлаш иншоотлари ишдан чиқди. Беш киши ҳалок бўлди. Минглаб автомобиллар сув остида қолди.

КОМИЛ МАЪНАВИЯТ — МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ

ИҚТИСОДИЁТГА ОИД ШИОРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАТНЛАРИ

Дунё савдо аҳли ила обод бўлажак.

Амир Темур

***

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият — маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир.

И. Каримов

***

Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон иқтисоди бундан буён ҳам барқарор юксалишига ишончимиз комил.

***

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва халол савдодир.

Ҳадисдан

МУСТАҚИЛЛИККА БАҒИШЛАНГАН ШИОРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАТНЛАРИ

Англанмаган эрк— инсоннинг ҳалокати ва таназзули.

***

Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

***

Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

***

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилган.

***

Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик —маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг.

***

Истиқлол ва маънавият бир китобнинг икки саҳифаси.

ЁШЛАР ВА МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДАГИ ШИОРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАТНЛАРИ

Соғлом авлод—келажагимиз таянчи.

***

Бешикдан бошланур умр.

***

Бешик болани тебратур,
Бола дунёни тебратур.

***

Ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлур.

***

Мен бугун сизнинг эътиборингизни келажак бугундан бошланиши лозимлигига қаратмоқчиман. Биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт.

И. Каримов

***

Тангри ўз бандалари ичида ғайратлисини ёқтиради.

Ҳадисдан.

Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир.

Ҳадисдан.

***

Ўтмиш бизнинг таянчимиз, келажак— нажотимиз.

***

Шахснинг маънавий баркамоллиги жамиятнинг фаровонлигига, жамиятнинг фаровонлиги маънавиятнинг юксаклигига, маънавиятнинг юксаклиги эса шахс камолотига таъсир ўтказаверади.

***

Шахс, жамият ва маънавиятнинг узвий бирлиги — тараққиётнинг асосий омили.

***

Оқ бўлсанг— онт ичма.

***

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

***

Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

***

Маънавият—тақдирнинг эҳсони эмас.

Маънавият инсон қалбида камол топиш учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак.

***

Маънавият— инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

***

Маънавият— инсон онги ва шуурини ёритувчи бир нур.

***

Вақтнинг қадрига етиш маданияти ҳам маънавиятдир.

Тўпловчи:
Қобилбек КАРИМБЕКОВ.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ЖУРНАЛИСТНИНГ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

ДАВРнинг ижод аҳлига ўз талаблари бор. Бугунги журналист қандай бўлмоғи керак? Жавоб оддий: у ўз устида янада кўпроқ ишлаши, жамият олдидаги бурчларини чуқур англамоғи лозим. Мақсаддаги аниқлик, фикр теранлиги ва мавзудаги ранг-баранглик ижодкор иқтидорини белгилайди. Агар журналистнинг нигоҳи тийрак, фикри уйғоқ бўлса қалами ҳам ўз-ўзидан қайралиб боради. Шунингдек, у баъзан матбуот фаолиятини оддий ўқувчи сифатида четдан туриб кузатиши даркор. Мен бугун шу йўлни танладим. Мухтасар сўзимиз журналистнинг бу кун унутмаслиги зарур бўлган айрим вазифалари ҳақида...

НИГОҲ ТИЙРАК БЎЛСИН. Анча йиллар муқаддам газеталардан бирида илғор колхоздаги машъал сут соғувчи қиз ҳақида очерк босилиб чиқди. «... Юрганида сочлари тўлғониб тақимини ўпар, чеҳраси ойдек, тим қора кўзларида ҳаётга муҳаббат ўти балқиб турарди». Бадиий услуб билан ёзилган очеркда қиз тасвири шундай бўёқларда чизилади. Аммо орадан кўп ўтмай, ўша колхоз раиси редакцияга сим қоқади. Айтишича, сут соғувчи қиз мухбирдан жуда хафа эмиш. «Нима учун?» «Нотўғри ёзибсизлар, —дейди телефондаги овоз. — У қизнинг кўзлари қора эмас, осмонранг. Кейин... Сочи ҳам сизлар айтган даражада узун эмас-да! Қизимиз «устимдан кулишибди» деб хафа бўлди...» Айтилган сўз — отилган ўқ», уни ортига қайтариб бўлмайди. Лекин, мўлжалга тегмаган ўққа парво қилмаслик мумкиндир, нотўғри ёзилган сўзни эса кечириш қийин. Матбуотга ишончнинг йўқолиши шундай адашишлар оқибатида келиб чиқади. Воқеани ўрганиш жараёнида энг арзимаган тафсилотни ҳам тўғри илғаш, унга синчковлик билан ёндашиш журналистнинг биринчи галдаги вазифасидир. Шу ўринда тажрибаларда қўлланиб келинган усул — аниқликка риоя этиш зарур.

Мавзулар ранг-баранг бўлсин, дедик. Аслида, воқеа-ҳодисалар, фикр-хулосалар, ёзиш учун танланган қаҳрамонлар ранг-баранглиги ҳам керак. Кейинги пайтда газета-журналлар машҳур кишилар (хусусан санъаткорлар) ҳаётига кенгроқ ўрин бераётгандай туюлади. Ваҳоланки, республика иқтисодиётига арзирли ҳисса қўшаётган минглаб оддий касб эгалари бор. Ҳисобчи-муҳандислар, қурувчи-меъморлар, чўпон-чўлиқлар, завод-фабрика ишчиларининг муаммоларини ҳам ўрганиш, уларнинг юрагига қулоқ тутиш, дарду ташвишларини матбуотга олиб чиқиш лозим деб ўйлайман.

ТАЯНЧИМИЗ — СЎЗ. Яқинда «Тўртинчи ҳокимият» янги кўрсатуви берилди. Тележурналистлар йўловчилар билан «бир нафаслик» суҳбатда бўлишиб, уларнинг оммавий ахборот воситаларига муносабати билан қизиқишди. Бир-иккита жавобларни ҳисобга олмаганда, аксарият кишилар газета-журналлар фаолиятига умуман эътиборсиз экани сезилиб қолди. Бунга ким айбдор? «Газета ўқишни севмайдиган» одамларми ёки «халқнинг юрагини забт этолмаётган» журналистларми? Менга қолса, албатта журналистни айблаган бўлардим. Бу кун биз қалам аҳли ўз соҳамизнинг тадбиркорлари бўлмоғимиз керак. Ахир айтишади-ку, «тоғ Сулаймоннинг олдига келмас экан, Сулаймон тоғнинг олдига боради» деб. Яъни, биз бу кун одатдаги усул ва андозалардан четга чиқиб, ўзимизни янгилаб яшайлик. Матбуот ислоҳотини шу йўл билан амалга оширайлик. Халқнинг юрагига сўзимиз билан кириб борайлик.

Таянчимиз — сўз. Биз сўз устида худди заргарлар зар устида ишлаганидек, балки ундан ҳам кўпроқ ишлашимиз зарур. Шундай қилсакки, ҳар сўзимиз юк кўтарсин, ҳар сўзимизда умид ва ишонч чўғи яллиғлансин, ҳар сўзимизда фикр қуввати жам бўлсин. Ахир, она тилимиздай бой тил ҳеч бир халқда йўқ! Газета-журналларимизда эса сўз бойлигидан фойдаланиш ҳамон қийин кечмоқда. Матбуотда биз илгаридан ўрганиб қолган, ҳеч бир қийинчиликсиз қоғозга тўкилаверадиган сийқа (шаблон) сўзлар кўп учрайди. Бу эса газеталардаги бир хилликни юзага келтиради. Аслида, ҳар бир мақола тилида ўзига хослик бўлиши зарур!

Хизмат сафари билан турли вилоятларда бўлганимда бир нарсани фахмлаганман. Қишлоқ халқи олди-қочди, шовшувли ва қизиқ воқеалар баёнига кўпроқ ўрин берган газеталарни топиб ўқишади. Бу билан уларнинг маънавиятини камситиш фикридан йироқман. Демоқчи бўлганим, бундай мутолаадан улар руҳан завқланишади, ташвишлардан чалғиб, дам олишади. Демак, қай мавзуда бўлмасин, ёзганларимиз газетхонга руҳий завқ ва ҳордиқ бера олишини ҳисобга олишимиз фойдалидир.

«ОҒРИҚ НУҚТА»ЛАР. Кўпгина газеталар таҳририяти қошида илгари «ёш мухбирлар мактаби» фаолият кўрсатарди. Машғулот ўтувчи тажрибали ходимларнинг сабоғи бошловчи мухбирларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб қўярди. Астойдил қизиққан мухбирлар шу машғулотларнинг ўзиданоқ ўз-ўзини кашф этарди. Мен ҳам журналистиканинг илк сабоқларини шундай «кичик мактаб» машғулотларида олганман. Шундай мактабларни эндиликда қайта тиклаш ва кўпайтириш зарур.

Маълумки, халқ ўз дардини журналистга ишонади, сирларини унга илинади. «Мен сўзлаб берай, сиз ёзинг» деб таҳририятга келувчилар кўп бўлади. Лекин кўпинча газета-журналларда босилган шикоят мактублари ёки воқеалар баёнидан сўнг турли гап-сўзлар кўпаяди, ҳодисаларнинг нотўғри талқин қилингани маълум бўлади. Шу ўринда «Ишониш керак, лекин текшириш ҳам керак» деган сўзларга риоя қилсак яхши бўлади. Биз газетхон дардини қаламга олишда холис киши сифатида ёндашишимиз зарур. Руҳий устуворлик билан шикоят ортидаги кишиларга тўғри йўлни англатишимиз лозим.

Юрт озодлиги бизга кўп яхшиликлар келтирди. Юртбошимизнинг матбуотни демократлаштириш ҳақидаги даъватлари, журналистларга бўлган ишончу эътибори фахрланса арзигулик. Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида ҳам журналистнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътибор қаратилди, қонунлар ишлаб чиқилди. Бу нарсалар бизни руҳлантириш баробаринда зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Бир мавзуда икки фикр

МАТБУОТ БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА ТАЙЁРМИ?

Шўро тузуми обуначини ўзи бош бўлиб топиб берарди. Халқимизда «Мажбуран ошиқ бўлолмайсан», деб бежиз айтилмаган. Собиқ тузум инқирозга учради, мафкуравий кишанлар парчаланди, биз энди мустақил давлат сифатида ҳақиқий бозор иқтисодиётига кириб бормоқдамиз. Мана шу ҳолатни таҳлилдан ўтказишга уриниб кўрайлик.

Айни кунларда «Тонг юлдузи» газетасининг адади 9.381 та, «Туркистон»ники 10.826 та, «Ёшлик» ҳам шу атрофда... Умумий ҳисобда олса, ўн икки миллион ёш йигит-қизларимизга қирқ минг газета-журнал. Бу саноққа «Ёш куч»ни ҳам қўшинг. Ҳа, ана, эллик минг бўлсин. Айни пайтда «Гулхан» ва «Ғунча» журналларининг адади анча ошди.

Нега матбуотда бундай ҳол юз берди? Гап шундаки, ҳаётда бозор муносабатлари таркиб топмоқда, матбуот эса даврга мос қадам қўя олмаяпти. Бозор эса сусткашликни ёқтирмайди.

Бозор маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин харидорни ўйлайди. Харидорсиз корхона эса ёпилади. Бозор қонуни «амри вожиб», унга зўғум ўтказиб бўлмайди. Новвой куйган нон ёпсаю бозори касод бўлса, ҳокиятга чиқиб «Шуни сотиб беринг», деб илтимос қилмайди-ку. Нега энди матбуот ходимлари учун бундай имтиёз берилиши керак!

Аслида, матбуот яшаш учун, яъни харидор учун ўзи курашишни ўрганмоғи лозим. Яъниким, харидорнинг кўнглини ол, унга ёқадиган, ақлини пешлайдиган нарсаларни ёз.

Нолимайлик, журналистларимиз орасида шундай истеъдодлилари борки, бир мақола ила, айтайлик, газета тиражини ўн мингтага ошириб юбориши мумкин. Аммо социализм давридан буён онгимизга ҳукмронлик қилиб келаётган «текисчилик» унсури кўп ишларга тўсиқ бўлиб турибди. Яъни, таъбир жоиз бўлса, «бомбаси» бор ва оддийгина кундалик ўртамиёна мақолага ҳам деярли бир хил қалам ҳақи тўланади. Ваҳоланки, харидоргир «маҳсулот», яъни ўқишли, шов-шув бўлган мақола ёзган журналист бозор иқтисодиёти қонунларига кўра қалам ҳақи олмоғи керак!

Харидор жуда сезгир ва нозиктаъб. Чунки у пул тўлаб, маҳсулот сотиб олади. Матбуот ходимлари эса бунга мослашолмаяптилар. Ўйлаб қарасак, мисол учун, йигирма киши ишлайдиган ҳафталик газета бор-йўғи ўн минг нусхада нашр этилса, унинг даромади ойликка етсинми, қалам ҳақигами, бино учун ижара пулигами ёки босмахона харажатларигами?..

1996 йил юртимизда юксалиш сари юз тутилгани билан алоҳида қадрли. Беш йиллик машаққатлар, изланишлар ортда қолди. Иқтисодий саводсизлик барҳам топди ҳисоб. Энди навбат қонуний ҳуқуқ-бурчларимизни англаган ҳолда, матбуотнинг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият эканлигини кўрсатишда. Замон бераётган ҳақиқий эркинликни ҳис қилмоқ, унинг бемисл имкониятларидан эл-юрт манфаати йўлида фойдалана билиш — бугунги кун журналистлари, матбуоти олдидаги энг катта талаб шу!

Акбар ЮНУСОВ.

РАҒБАТ — ЮТУҚЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Таҳлил ва сабоқ

Бугунги мулоқотимиз — «Бухороғишт» жамоа корхонасининг кечаги куни, бугуни ва эртанги истиқболлари хусусида. Демак, жамоа раҳбари Рустам ҚАҲҲОРОВни суҳбатга чорлаймиз...

— Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз ислоҳотлар йўлида қатъиятли бўлиш — бугуннинг талаби эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бу сизларни ҳам масъулликка чорладими?

— Вилоятимизда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга Президентимиз алоҳида урғу берди. Эндиликда сессияда илгари сурилган одилона фикрлар ва ғоялар биз учун дастуруламал. Нега энди муҳтарам юртбошимиз то аҳволимизни тўлақонли таҳлил қилиб бергунга қадар биз сукут сақлаб келдик? Лоқайдлик, узибуларчилик ва бошқа қусурлар ишимизнинг олға кетишига асосий тўғаноқ бўлаётганини нега олдинроқ сезмадик? Балки, сезсак ҳам истиҳола қилдикми? Ўйлаб қоласан, киши!

Табиийки, сессиядан кейин корхонамизнинг иш ва фаолият доирасини яна бир бор қайта кўриб чиқдик. Аниқ тадбирлар ва режалар белгиладик. Муаммолар устида узоқ бош қотирдик.

— Президентимиз ўз нутқида «Вилоятда хорижий инвестицияни жалб қилиш асосида ишлаб чиқариш кенгайтириш, эски ускуналарни янгилаш, энг илғор технологияларни ўзлаштириш асосида юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга етарли даражада эътибор берилмаяпти» деб ҳақиқий аҳволни ошкора айтди. Бу танқиднинг бир учи — сизнинг корхонангизга ҳам тааллуқли. Шундай эмасми?

— Очигини айтганда, сифат ҳар бир ишда ва соҳада мезон бўлиши керак. Бинобарин, халқимиз талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, сифатли ва арзон баҳоларда пишиқ ва чидамли ғишт ишлаб чиқариш — биз учун ғоят муҳим. Шу йўлда астойдил иш юритяпмиз.

Албатта, муаммолар етарли, корхонамизга янги, замонавий технологияларни келтириш ва инвестицияларни жалб этиш — биринчи галдаги вазифамиз. Дарвоқе, сифатли ғишт ишлаб чиқариш учун маҳсулотбоп тупроқ зарур.

Қолаверса, биринчи навбатда ғишт ишлаб чиқариш корхоналари қошида хом ашё базасини яратиш талаб этилади. Бу маҳсулот таннархини арзонлаштиришга, шу йўл билан аҳоли эҳтиёжлари даражасида иш тутишга имкон яратади. Масалан, ҳозир бизда ишлаб чиқарилган пишиқ ғиштнинг 1000 донаси 3 минг 579 сумга тўғри келмоқда. Маҳсулотимиз давлат андозалари бўйича ишлаб чиқарилиб, аҳолига шу баҳода сотилмоқда. Ҳар қалай, харидорлар жамоамиз меҳнат аҳлидан мамнун. Дарвоқе, маҳсулотни эгаларига етказиб беришни ўз зиммамизга олганмиз.

Бинобарин, шу муаммолар тезроқ ҳал этилса, заводимиз тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган пишиқ ғишт аҳолига янада арзонга тушади. Яна бир гап: корхонамиз жамоаси имкониятларидан келиб чиқиб, завод қошида ишлаб чиқариш техникаси ва бошқа технологиялар учун ўзимиз зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Бу ҳам ишга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

— Ишчи-хизматчиларни иҳтимоий ҳимоялаш борасида қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Балиқ — сув билан тирик. Шундай экан, жамоамизнинг ҳар бир аъзосини эъзозлашни, ҳурматини жойига қўйишни — қадриятларимизнинг тамал тоши, деб биламан. Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларга баҳолиқудрат ёрдам уюштиряпмиз. Айрим жигарғўшаларимизга бошпана қуриб бердик. Кўзи ожизлар жамиятига иқтисодий кўмак бериб турибмиз.

Корхонамизда 340 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Манфаатдорлик — ишимизда асосий мезон. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 3 минг сум. Рағбат эса, ўз-ўзидан равшанки, ютуқларга йўл очади. Ва шундай бўлди. Заводимизда ўтган 1996 йилда 23 миллион 300 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилди. Шунингдек, пардоз ғиштлар 188 минг донага, қўшимча оби ғиштлар ишлаб чиқариш эса 48 мингтага етказилди.

Мана, 1997 йилни қувончли натижалар билан қарши олдик. Янгийўлдаги «Ижодкор» хусусий ғишт ишлаб чиқариш корхонаси билан рақобатбардош заводимиз республикамизда етакчи мавқега эга эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Агар Янгийўлдаги «Ижодкор» бир кунда 80 мингта пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлса, бизнинг корхонамиз кунига 70-75 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқаряпти. Унинг бир ойлигини оладиган бўлсак, бу рақам 2 миллион 200 минг донани ташкил этади. Бу — ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида аҳолининг бу қурилиш материалига бўлган талаб ва эҳтиёжини баҳолиқудрат таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Сўнгги гап. Бугунги кунда заводда 2 та узун ғор печь ҳамда битта айланма печь тўла қувват билан ишлаб турибди. Бу йилги режага кўра 24 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, айланма печь қуриш ниҳоясига етказилади. Йил охиригача пардоз ғиштни 300 минг, оби ғиштни эса 100 минг донага етказиш ниятимиз бор!

Суҳбатдош:
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатларда ҳаёт акси

КЎПРИКДАГИ ЎЛПОН

Хоразм вилоятининг Гурлан тумани Қорақалпоғистон Республикаси билан девор-дармиён қўшни. Ўртада сеники, меники деган гаплар йўқ. Шу боисдан қорақалпоқ қардошларимизга қарашли ҳудудда Хоразмга тегишли хўжаликлар ҳам бор. Масалан, «Дўстлик» жамоа хўжалиги ва бир қанча майда деҳқончилик қорхоналари ёз бўйи Қизилжар массивида зироатчилик қилиб мўл-кўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Ачинарлиси шундаки, ўша пешона тер тўкиб бунёд этилган ҳосилни ўз уйимизга олиб келолмаяпмиз. Нега дейсизми?

Қизилжардан Гурланга келиш учун икки йўл бор: бири Туркманистон ҳудуди орқали, иккинчиси эса Амударёнинг Қипчоқ кўприги орқали. Туркманистон орқали келолмаслигимизнинг сабаби аён — бошқа республика деймиз, божхонаси бор.

Туркманистон ўз йўлига, лекин ўзимизнинг мамлакатга қарашли Қипчоқ кўпригидаги машмашаларни эшитсангиз ҳайрон қоласиз. Ўтиш учун ҳар уловга юк варақаси, маълумотнома сўрашади. Бунга ҳам чидаса бўлади. Кўприкка чиқишда бир қоп, тушишда бир қоп шоли талаб қилишганига ҳеч чидаб бўлмайди. Йўл-йўлакай бошқа ДАН масканларида ҳам шу ҳол такрорланади. Ахир ўз юртимизда ҳам йўл учун, ҳам кўприк учун ўлпон тўлаймизми?

С. ЎРАЗМАТОВ,
Э. АЛЛАЁРОВ,
М. ХУДОЙБЕРГАНОВ ва бошқалар,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани, «Намуна» жамоа хўжалиги деҳқонлари.

КИЧИК КОРХОНА ЎГАЙМИ?

Тўқсон иккинчи йили ўз кучимиз билан, ҳа, яна таъкидлайман, давлатдан кредит олмасдан ўз кучимиз билан Жарқўрғон туман техника таъмир-таъминот идораси қошида 90-маркали гидростатиктрансмиссия (ГСТ-90) ишлаб чиқарадиган кичик корхона бунёд этиб, ишга туширдик. ГСТ-90нинг қадрини техникага алоқадор одамлар яхши билишади. У гидронасос ва гидромотор дегани. КПС-5Г, КСК-100, Херсон-200 комбайнларини юргизадиган, йўл қурилиши машиналарига асқотадиган механизм. Ишимиз дастлаб ёмон бўлмади: Санкт-Петербургнинг Парголово заводи ва Кировограднинг «Гидросила» заводларидан эҳтиёт қисмлар олиб келиб, 1993 йили, масалан, 216 та ГСТ-90 тайёрладик. Нафақат вилоятимиз, балки бошқа вилоятлар, бошқа республикалардан бизга буюртмалар келиб туша бошлаганди.

Афсуски, кейинги пайтларда ишимизнинг қўри сўна бошлади. Эҳтиёт қисм олайлик десак... пул йўқ. Бир миллион сўм атрофида дебитор қарзимиз бор. Дебиторларимизда пул ҳам йўқ эмас. Фақат банк тўсқинлик қилади. Пулни ҳисоб рақамимизга ўтказиб бермайди. Арз-додимизни банкдан тортиб бошқалар ҳам тинглагиси келмайди.

Ваҳоланки, ГСТ-90—зарур нарса. Зарурлиги шундаки: биринчидан, илгари фаолият кўрсатиб турган ГСТ-90 ни алмаштириб берувчи сервис нуқталари ҳозир ишламаяпти. Иккинчидан, буюртма устига бизга буюртма келиб турибди. Яна бир нарсани илова қилайлик: Ҳозир ҳаммага маъқул тушиб қолган «Кейс» комбайни ва «Магнум» тракторларида ҳам гидронасос бор. Бизга ҳимо бўлса бас, бу тракторларга ҳам хизмат кўрсатишимиз мумкин.

Биз ҳеч кимдан пул, маблағ умид қилаётганимиз йўқ. Банк ўзимизнинг пулимизни вақтида бериб борса — кифоя. Ахир қанчадан-қанча тижорат кичик корхоналари ишлаб турган шароитда наҳотки энди ишлаб чиқариш қиламан деб турган кичик корхона ўзининг пулини ўзи ололмагани касридан барбод бўлса?! Тегишли идоралардан инсоф ва ҳимоя истаб:

Оқбой ДЎЛАЕВ,
«Гидравлика» давлат ишлаб чиқариш кичик корхонаси бошлиғи. Сурхондарё вилояти.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЯНА ДАРАХТ КЕСИБ, УЙ ИСИТАМИЗМИ?»

Газетанинг ўтган йил 7 ноябрь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали лўқмада Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ана шундай ташвишни билдирган эдилар. Мақола юзасидан Андижон вилоят ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Ҳоким ўринбосари **М. Ёқубов** имзо чеккан мактубда жумладан шундай дейилади:

Вилоят ҳокимлиги Балиқчи тумани ҳокимлиги ва тегишли мутахассислар иштирокида, 1996 йил 7 ноябрь куни газетангизда босилган мақолани жойида ўрганиб чиқди.

Ҳақиқатда қиш мавсумида вилоятимизни газ билан таъминлайдиган магистраль газ қувурларида босим пасайиб кетиши сабабли газ қувурларининг охирги қисмида жойлашган аҳоли яшаш пунктларида аҳолини табиий газ билан нормал таъминлаш имкони бўлмаётир.

Қишлоқ аҳолиси вакилларига республикамизда, вилоятимизда табиий газ таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар, жумладан Хўжаобод туманида қурилаётган газ омбори ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, Балиқчи туманида табиий газ таъминотини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган тадбир тузиб тасдиқланди.

ҚИШЛОҚҚА ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

ҚАШҚАДАРЁ. Касби туманидаги Майманоқ қишлоғида 20 километр узунликдаги юқори ва ўрта босимли газ тармоғи фойдаланишга топширилди. «Қарширеммонтаж» трести 34-махсус корхонасининг Р. Раҳматов бошлиқ бригадасининг Э. Навшанов, И. Саидқосимов, Р. Холмуродов, Б. Навшанов, Н. Шаимов сингари илғор қурувчилари меҳнатидан қишлоқ аҳли мамнун.

Илҳом КАРОМОВ.

(«Хатларда ҳаёт акси» рукни материалларини Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади).

КАМБАҒАЛ БОЙ БЎЛАДИ

қачонки у боқимандалик балосидан қутулса
(2-мақола)

Қандай яшаяпсан, ҳамқишлоқ?

Аввалги мақоламизда таъкидлаб ўтганимиздек, «Ким, ким, лекин ўзбекнинг Деҳқонини дангаса деб бўлмайди». Айни чоқда кўзимиз билан кўриб турганимиз ҳақиқатдан тониш-да бизни яхшилик сари етакламаслиги аён. Айтишади-ку, «касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади».

Диёримизда сўнгги йилларда амалга оширилган энг катта ишлардан бири — қишлоқ жойларда яшаётган аҳолига қўшимча томорқалар берилиши, шунингдек, уй-жойга муҳтож қишлоқ аҳлининг томорқа билан тўлиқ таъминланиши бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Хўш, қишлоқликларнинг томорқа ва қўшимча томорқа ерлари билан таъминланиши қандай натижа берди? Айтиш мумкинки, юз фоиз ижобий! Ҳатто ана шу томорқалар давлатимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Чунки қишлоқ аҳлининг асосий қисмига ўз томорқасида етиштирилган буғдой асқотди.

Лекин...

Ҳамма гап ана шу «лекин»да!

Ўтган гал уйга борганимда гап айланиб ҳамқишлоқларимнинг даромадларига тақалди. Ҳамсуҳбатларимиздан бири «Жўра бобо бу йил томорқасидан 25 минг кўтарди», деб қолди. Ўзимча ундайига ҳисобладим, бундайига ҳисобладим. Лекин 20 сотих ерга нима экиб, нима сотса, 25 минг даромад қилиш мумкинлигини ўйлаб тополмадим. Эртаси куни оқсоқолни излаб уйига бордим. Шаҳар об-ҳавоси-ю, нарх-навосидан бошланган гурунгимиз, қишлоққа келиб тўхтади. Гапни у киши олган даромадга бурдим. Нима эккани-ю, нима сотгани билан қизиқдим.

Оқсоқол ўтган йили кузда томорқасининг ярмига қулупнай эккан экан. Эрта баҳорда эса қолган ярмига картошка экибди. Биринчи ҳосилни кўтаргач яна томорқанинг бир қисмига кечки картошка-ю, бир қисмига сабзи уруғи қадабди. Иккинчи ҳосил ҳам бозорга жўнатилибди. Шу билан тамом вассалом!

Оқсоқолнинг сўзларига қулоқ солсангиз пул топишдан осони йўқ. Эҳдинг. Сотдинг. Чўнтагинг тўла пул. Ҳеч қийин жойи йўқ. Энг қизиғи, оқсоқол ўзининг машаққатли меҳнати ҳақида гапирмади ҳам. Фақат болаларининг қобиллиги, меҳнаткашлигини таъкидлаб қўйди. Сўзининг охирида қишлоқча соддалик билан мақтаниб қўйишни ҳам унутмади. «Деҳқончилигимни бозорма-бозор юриб сотмайман. Таниш бозорчи йигитлар бор. Барака топкурлар ўзлари уйдан олиб кетишади». Диққат қилинг-а, деҳқон бозорчи йигитлар ҳақида сўзлади. Улар кимлар аслида? Албатта, олиб-сотарлар-да. Бирга олиб, ўнга пулловчи учарлар...

Келинг, асосий мақсадимиздан чалғимайлик.

Жўра бобо тимсолида томорқаси бор деҳқон борки, боқиманда эмас экан-да, деб хулоса чиқаришга шошилманг.

Сизга холис фикрлаш учун бошқа бир мисол. Айнан ўша қишлоқ — Қўнғиротда бир кишини «бечора жуда камбағалда» деб гапиришади. «Болачақаси кўп, аёлманд оила» деб ачинишади. Менинг эса ўша кишига сира раҳмим келмайди. Чунки фикри ожизимча, у қишлоқдаги энг бой оилалардан бирининг бошлиғи бўлиши керак ва шарт. Сабаб? Унинг алпқомат етти ўғли бор. Ҳаммаси уйланган йигитлар. Тоғни урса талқон қилишади. Албатта, кучни бир нуқтага йўналтира билишса. Мустақиллик шарофати билан еттовлонга ҳам ҳовли-жой берилган. Баҳоли-қудрат уч-тўрттасига иморат ҳам тиклашибди. Қолганлари ҳали ота билан бир уйда. Худди ота каби ўғиллар ҳам бирдек «камбағал». Шу нуқтада камбағал сўзини бежиз қўштирноққа олмадик. Чунки камбағал отанинг томорқасида ҳам асосан ёввойи супурги ўсади. Болаларнинг деҳқончилиги ҳам шу. Ваҳоланки, етти йигит ерга ишлайдиган бўлса, 25 минг даромад олган чолдан ўн баравар ортиқ топишлари мумкин. Балки ундан ҳам кўпроқ топишар. Ахир ота ва етти ўғилга берилган томорқаларнинг умумий майдони ўрта ҳисобда бир ярим гектардан ошиб кетади. Бу жойга нималар экиб, нималар олсанг бўлмайди. Агар ўша ерда бирга ишлаб, даромадни бир ерга йиғишса, ҳар йили дангиллама битта ҳовли қуришлари ёки ҳар йили битта машина сотиб олишлари мумкин. Лекин бизнинг «қаҳрамонлар»имиз ишлашмайди. Балки меҳнатга бўйинлари ёр бермас. Қачон қараманг етти ўғил ота бошчилигида қарта ўйнаб ўтиришади. Нафақадаги чол томорқасидан олган даромади билан мақтанса, кичик ўғил катта акасига бир кунда уч марта «туз» илгани билан мақтанади.

Энди бунисига нима дейсиз?

Еттита ўғилнинг отаси, яқин бир ярим гектар ернинг эгаси камбағал бўлиб ўтирса яраша-дими? Унинг камбағаллиги учун ким айбдор? Давлатми? Жамоа хўжалигими? Ёки...

Назаримда ушбу ўринда иллатнинг илдизини топмоқ учун озгина чекиниш қилишимизга тўғри келади. Ахир айрим деҳқонларимизда ерга муносабат салбий томонга қачон ўзгариб қолди? Ўша собиқ қизил империянинг колхозлари эмасмикан, деҳқонни ердан бездириб қўйган? Бу гап хаёлимизга тасодифан келиб қолгани йўқ. Ахир ўша йиллар колхозчининг бўйнига шундай бир бемаъни шиор илинган эди: «Ер бизники. Ҳаммамизники. Демак, деҳқонники. Фақат ундан олинажак ҳосил бир кишиники. Яъни — давлатники. Сен ишла, ишлайвер. Лекин ейман дема. Давлат сенга қачон бир бурда нон беришни яхши билади. Энг асосийси. Очингдан ўлмайсан. Тўқлик нималигини ҳам билмайсан». Тўғри-да, ўша етмиш йиллик «инсонпарвар» тузум даврида йил ўн икки ой даласидан бери келмаган деҳқоннинг эгни янги чопон кўрмай ўтди. Деҳқон бечора ўлиб-тирилиб етиштирган пахтаси учун арзимаган чақа олар эди. Ишлаган ҳам, ишламаган ҳам очидан ўлмасди. Фикримча, ана ўша йилларда колхозчи, деҳқонларнинг аксарияти дангасалик, йўқ, тўғрироғи, боқимандалик балосига гирифтор бўлдилар. Қолаверса, мустақилликдан кейин ҳам баъзи жамоа ва давлат хўжаликларининг деҳқонга «мирзакарим-бойларча» муносабати боқимандалик кайфиятининг яшовчанлигига сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Энди жамоа хўжалигининг ери у ёқда турсин, хаттоки ўз томорқасида ишлашга ҳам бўйни ёр бермаётган инсон икки карра боқиманда эмасми? Жўра бобонинг бозорчи йигитларичи? Ким айта олади улар боқиманда эмас деб. Бугун бор яхши ишларни ҳам, ёмон ишларни ҳам рўй-рост айтадиган кун келди! Тан олиш керак, орамизда боқимандалик кайфиятидаги одамлар оз эмас. Афсуски, боқимандалик ёки лоқайдлик дардига мубтало бўлганлар фақат деҳқонларимиз эмас, бошқа соҳа вакиллари орасида ҳам истаганингизча топилади. Бугун гап боқимандалик кайфиятидаги юртдошларимиз ҳақида борар экан, чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, юқоридаги дард биз ижодкорларга — балки барча касб эгаларига ҳам тегишли эканлигига иқрор бўласиз. Шундай экан, нега энди ушбу мақолани ўқиётган ҳар бир муштарий ўзидан «мен боқимандаманми?» деб сўрамайди. Марҳамат, энди сиз ҳам юқоридаги саволни ўзингизга бериб, яна ўзингиз беражак жавобингизни таҳлил қилиб, — агар шунга имкониятингиз етса — кўринг.

Мен айни шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда умумий тарзда боқимандамиз, ёки йўқ дейишдан ўзимни тийдим. Фақат ҳорғимга яқинроқ бўлган яшаш тарзи — қишлоқ ҳаёти ҳақида фикр юритдим холос.

Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан. «Туркман ҳазрат» мадрасаси. Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

• **УЛАН-БАТОР.** *Мўғулистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш борасидаги бир қанча таклифлар мамлакат Вазирлар Маҳкамасида муҳокама қилинди.*

Маълумки, шу йилнинг февраль ойида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техник ҳамкорлик бўйича Мўғулистон-Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги бешинчи мажлиси ўтказилиши режалаштирилган.

***

• **НЬЮ-ЙОРК.** *АҚШнинг Мичиган штатида «Комэйр» авиакомпаниясига қарашли «Эмбрайер-120» йўловчи самолёти ҳалокатга учради.*

Самолёт қор бўрони чоғида қўнаётиб, Дейтройт аэропортидан 30 километр узоқликдаги ерга қулаб тушган.

Маълумотларга қараганда, 3 нафар экипаж аъзоси ҳамда 26 йўловчининг барчаси ҳалок бўлган.

***

• **КАРАКАС.** *Перудаги Япония элчихонаси қароргоҳида 74 кишини 23 кундан буён гаровда ушлаб турган Тупак Амару қўпорувчилар гуруҳи мамлакат ҳукумати ва Президентини туҳматчиликда айбламоқда.*

«Президент бизни пул талаб қилишда айблаяпти, аслида эса биз фақат ташкилотимизнинг қамоқдаги аъзолари озод этилишини талаб қилаётирмиз холос», дейилади қўпорувчилар тарқатган баёнотда.

***

• **БЕРЛИН.** *Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел ва Беларусь ташқи ишлар вазири Владимир Сенконинг Берлинда бўлган учрашуви юзасидан Германия Ташқи ишлар вазирлиги баёнот берди.*

Баёнотда ёзилишича, Беларусь ташқи ишлар вазири Европа Иттифоқи экспертларини Минскка жўнатишга розилик берган. Экспертларнинг Беларусга ташрифи Европа Иттифоқи учун мамлакатнинг бугунги аҳволи ҳақида тўлиқ ахборот беришга хизмат қилади.

Мулоҳаза

ЧИНАКАМ ХОҲИШ БЎЛСА

Ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин

Бўстонлиқ туманидаги энг катта ва қадимий қишлоқлардан бўлмиш Хондайлиққа собиқ Иттифоқдан жуда оғир асоратлар мерос бўлиб қолди. Бунинг бош сабабларидан бири қишлоқ пешонасига узоқни кўзловчи тадбиркор раҳбар битмаганлигини очиқ-ойдин айтиш керак. Ишлаб кетганлар ўз ҳузур-ҳаловатларини ўйлаб, қуруқ мақтовлару мукофотлар илинжида неча ўн йилларни бесамар ўтказиб юбордилар. Собиқ Калинин номли колхоз номигагина миллионер, аммо маънавият, ободончилик, фаровонлик, бир гап билан айтганда, халқ турмушини юқори даражага кўтариш борасида энг ночор хўжалик бўлиб қолаверди. Ҳамма имкониятлар бой бериб бўлингач, кейинги югуриш ва чиранишларнинг фойдаси бўлмади: замонавий янги мактаб, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун бошланган ғоят муҳим қурилишлар чала-ярим ташлаб қўйилди. Келажагимизнинг эгаси бўлмиш ёш авлод эса синфларда қишда совуқдан қалтираб, ёзда иссиқдан ҳансираб билим олмоқда.

Ишонасизми, Хондайлиқда ҳозир ҳатто ўрта маълумот олиш имконияти йўқ. Юқори синфлар биринкетин ёпиляпти. Устига-устак баъзи ноинсофлар қурилиши чала ташлаб қўйилган қўшқаватли мактаб биносининг кўп жойларини бузиб ташиб кетмоқдалар. Баъзи бошлиқларнинг лақмалигидан фойдаланган «Об-ҳаёт» каби қурилиш ташкилотларининг етакчилари эса қурилишни чала-ярим қолдиришган.

Ёшларга иш топилмаяпти, деган баҳонанинг ҳам уринсиз эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Президентимиз саъй-ҳаракатлари натижасида ёшларни Қурия сингари хорижий давлатларга юбориш имкониятлари яратиб берилмоқда.

Чинакам хоҳиш билан изланилса ҳамма жойдан ҳам иш топилади. Ҳеч бўлмаганда қишлоқ атрофида бўш ётган ерлар кўп, томорқалар қаровсиз аҳволда, лоақал шу жойларда деҳқончилик қилинса, боғлар яратилса ёшлар фойдали иш билан таъминланади-ку! Аслида-чи, айрим ишёқмас ёшлар кўчама-кўча изғийдилар. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро борки, мустақил давлатимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшсин! Иллатларга ўз вақтида бир ёқадан бош чиқариб дадил ва шафқатсиз курашайлик. Шундагина Хондайлиқда ҳам фаровон ҳаётга эшиклар очилади...

Асад АСИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

РАМЗЕС II ЖАСАДИ «ДАВОЛАНДИ»

Мисрнинг буюк шоҳи, фиръавн Рамзес II нинг мўмиёланган жасади 1976 йил 26 сентябрда «даволаниш» учун Парижга жўнатилиб, 1977 йил май ойида у ердан қайтариб олиб келиниб, Миср миллий музейига қўйилгандан бери жаҳон жамоатчилигининг эътиборидан тушмаяпти. Бунинг боиси унинг мўмиёланган жасади номаълум сабабларга кўра айний бошлагани учунгина эмас, балки Рамзес II қатор зафарли юришлари ва ғалабалари билан афсонавий қаҳрамонга айланиб қолгани, қолаверса у ўз вақтининг гўзалларидан гўзали бўлмиш Нифертарийга уйлангани боис, у ҳақдаги ҳар бир нарса ўқувчилар томонидан зўр қизиқиш билан мутолаа қилинади. Булар жумласига бу афсонавий қаҳрамон ҳақида ёзилган «Ғазавот императори», «Миср маданияти» ва ниҳоят Крестиан Жакнинг «Рамзес ва Абу сумбул хоним» асарларини тилга олиш мумкин.

Рамзес II нинг мўмиёланган жасади бузила бошлаганидан хабар топган Миср ҳукумати уни Францияда «даволашга» қарор қилди. 7 ой давомида мўмиё соҳасида изланишлар олиб бораётган юзлаб олимлар унинг атрофида парвона бўлишиб, айниш сабабларини ахтардилар ва ниҳоят жуссада мўмиёни айнитаётган аллақандай микроб-паразитларни аниқладилар. Уларга қарши олимлар «Гамма-Б» нуридан фойдаландилар. Шу аснода олимлар олиб борган тадқиқотлар Рамзес II малла сочли, сепкил юзли бўлганини кўрсатди. Мўмиёда Рамзес II умрининг охирларида умуртқа суягини шамоллатгани, сўнгра шол бўлиб қолганини кўрсатувчи белги-излар ҳам топилди.

Рамзес II Мисрга 67 йил ҳукмронлик қилган ва 92 ёшида оламдан ўтган эди. Жасадни қайта мўмиёлаш кенгаши ўз ишини мия қатиғини икки бурун тешиги орқали сўриб олишдан бошлади. Кейин мия чаноғи қорамурч доналари билан тўлдирилди. Чап биқин очилиб, у ердан ички аъзо ва ичаклар чиқариб олинди. Улар тозаланиб, атирланганидан кейин махсус чинни — сопол идишларга жойланди. Юрак ва икки буйрак эса ўз жойида тилла занжирга осиб қўйилди. Ана шундан кейин жуссани янада покизалаш мақсадида уни карбонат натрий, ёввойи тамаки барглари, чиннигул солинган ваннага солиб ишлов берилди. Жасад ички мойлардан холи қилиб, қуритилганидан кейин бир қатор махсус мойлар билан ишланди. Сўнгра у зиғир толасидан тўқилган юпқа бинт билан ўралди. Шу тариқа қайта мўмиёлаш жараёни 70 кун ичида ниҳоясига етгач, ёнига қимматбаҳо заргарлик буюмлари қўйилган ҳолда соф олтин тобут ичига жойланди.

ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ

• **ВАШИНГТОН.** АҚШнинг «Сан» газетаси 1997 йилни «Нафақат ерда, балки фазода ҳам буюк ҳодисалар юз берадиган йил», дея эълон қилди. Газета таҳририяти нимага асосланиб бундай хулосага келди экан, деб ўйларсиз. Гап шундаки, ўтган йили америкалик ҳаваскор мунажжимлар Алан Ҳейл ва Томас Бопп кашф қилган «Ҳейл-Бопп» кометаси бу йил сайёрамиз ёнидан ўтади. Уни февраль ва март ойи бошларида тонг палласида, март охирлари ва апрелда эса кечқурун бемалол кузатиш мумкин. Курраи заминимиз билан «Ҳейл-Бопп» орасидаги масофа 23 март куни ўзининг энг қисқа нуқтасига тушади. Ўша куни комета биздан «атиги» 200 миллион километр узоқликда бўлади.

«Ҳейл-Бопп»ни кўриш нақадар ноёб ҳодиса эканини тасаввур қилиш учун, у Қуёш атрофида бир айланиб чиқишга 2400 йил «сарфлашини» айтиш кифоя.

Ажабтовур ҳодисалар

ОДАМ БАЛИҚ ОВЛАЙДИ, ТИМСОҲ ЭСА...

• **ХЕРАРЕ.** Сўнгги кунларда Зимбабведа ёнгингарчилик шу қадар кучайиб кетдики, мамлакатдаги дарёлар тимсоҳлар билан тўлиб қолди. Зимбабве ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари балиқчилар, сайёҳлар ва дам олиш учун дарё бўйига келганларни ҳушёр бўлишга, иложи бўлса, кўнгилочар тадбирларни бошқа вақтга қўчиришга ундамоқда. Албатта, бу огоҳлантириш сабабсиз эмас: ўтган ҳафтада уч киши тимсоҳлар ҳужумига учраб ҳалок бўлди.

Қурбонларнинг биринчиси — 60 ёшли деҳқон соҳилда қамиш ўраётиб ҳалок бўлди. 17 ёшли сузувчи эса, тимсоҳнинг баҳайбат оғзидан қутулиб чиққан, оғир жароҳат туфайли ҳаётдан кўз юмган. 9 яшар болакай эса, қирғоқда балиқ овлаётиб ажал комига тушди.

ЯНГИ РОССИЯ БЕШ ЙИЛДА

Шу беш йил якунлари кўнгилдагидек эмас, деб ҳисобламоқда Президент кенгашининг аъзоси Андраник Мигранян

Совет Иттифоқи парчаланиб кетгач, тақдирнинг ҳазилини қарангки, Россия беш йил мустақил ривожланганда сўнг янги мустақил Россиянинг Президенти Борис Ельцин каби юрак-қон томири операциясига муҳтож бўлиб қолди. Россия жамияти ва давлати фаолиятининг давлат органлари юраги ва миясини таъминлаб турган қон томирларида тиқинлар пайдо бўлмаган бирор соҳаси йўқ.

Россия нураётган Совет давлати харобалари остидан чиққач, ҳокимиятнинг давлат қурилиши ва жипслашишидек қийин жараёни ҳали-ҳамон давом этмоқда. Москва ва Федерал марказнинг ҳукми ўтадиган янги давлат чегаралари, давлат тузуми қиёфаси беш йилдан кейин ҳам ноаниқлигича қолмоқда. Россия давлат тузумининг ўта марказлашган унитар моделидан воз кечиб, конфедерацияга айланишга қарши жон-жаҳди билан курашмоқда. Мамлакатдаги бутунлай парчаланиб кетиш тенденцияси бартараф этилгани йўқ. Россиядаги янги ҳокимият тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш механизмини барпо этиш ҳамда ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш гояси асосида давлатни қуриш йўлига ўтиб, шу нарсага дуч келдики, мамлакатда демократик сиёсий маданият, ривожланган фуқаролар жамияти ва сиёсий партиялар (уларнинг манфаатларини ҳокимият тузилмаларида шу партиялар олдида масъул бўлган сиёсатчилар ҳимоя қилиши лозим эди) йўқлиги сабабли ҳокимият тармоқлари мустақил корпорацияларга айланиб, ҳокимият тузилмаларида ҳукмрон бўлиш учун бир-бирига қарши курашмоқда. Оқ уйнинг ўққа тутилиши ва 1993 йил декабрда янги Конституциянинг қабул қилиниши расмий жиҳатдан ҳокимият босқичларини қайта тиклаган бўлса ҳам, ҳокимиятни тармоқларга ажратиш ҳамда тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш механизмини барбод қилди. Президент янги Конституцияга биноан ҳокимиятнинг барча тузилмаларидан юқоридадир. Бироқ Борис Ельцин янги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган деярли чекланмаган ваколатлари билан ҳам ҳокимиятни жипслаштириша олмади. Россияда сиёсий институтлар ҳанузгача жуда ожиз. Давлат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг қарорларини амалга оширишга қодир эмас. Аҳолини сиёсий сафарбар этиш имкониятлари жуда кам, чунки янги сиёсий партиялар ҳали-ҳануз шаклланиш босқичида турибди. Порахўрлик давлатнинг қудратли тузилмаларини емирмоқда. Натижада доимо турли фавқулодда тузилмалар барпо этилмоқда, лекин федерация субъектларида федерал қонунлар олдин қандай бажарилмаган бўлса, ҳозир ҳам шундай бажарилмаяпти. Солиқлар йиғилмаяпти, жиноятчилар фош қилинмаяпти. Армия ва Ички ишлар вазирлиги кучлари 1994 йил декабрдан 1996 йил августгача давом этган Чеченистон урушида маънавий ва жанговар тайёргарлик даражаси ўта пастлигини кўрсатди.

КПСС бекор қилингандан кейин вайрон бўлган ҳокимият бўғинларини қайта тиклашга бўлган барча уринишлар ҳозирча натижасиздир. Беш йил ичида федерация субъектлари янги-янги ҳуқуқларни, ваколатларни қўлга киритди. Федерация субъектлари маъмуриятлари бошлиқлари ҳамда Республикалар Президентлари демократик сайловидан сўнг Москванинг минтақаларга таъсири яна ҳам сусайиб кетишини кутиш мумкин, Федерал ҳокимият ресурсларни марказга тобора камроқ сафарбар этмоқда ва оқибатда минтақаларга нисбатан таъсир кучини йўқотмоқда, чунки ресурсларни қайта тақсимлаш имкониятлари тобора камайиб бормоқда — бу ҳол ҳам марказнинг таъсири пасайишига олиб келмоқда. Шу билан бир вақтда федерациянинг 89 субъектидан фақат ўнтаси узини ўзи таъминлашдан ташқари федерация бюджетига маблағ ажратишини, қолганлари эса давлат бюджетига қарамлигини таъкидлаш керак. Яқин пайтдан буён бюджетни таъминлаётган субъектларнинг федерал марказга ва боқиманда минтақаларга нисбатан узаро келишиб ҳаракат қилиш мақсадида жипслашиш жараёни давом этмоқда. Бу соҳада янги можаролар етилмоқда, улар Россия давлатчилиги яхлитлигига хавф солиши мумкин ҳамда мамлакатдаги бошқаришни қийинлаштирувчи жараёнларни кучайтиради.

Иқтисодий соҳада деярли беш йил давомида амалга оширилаётган, бозор механизмларини барпо этишга қаратилган ислоҳотлар бутунлай барбод бўлди. Россия ислоҳотчилари амалга оширган монетаристик чоралар қутилган натижани бермади. Гайдар-Чубайс-Черномирдин иқтисодий сиёсати тўла барбод бўлганини қайд этиш мумкин, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Саноат, илм-фан, таълим ва ижтимоий инфратузилмани деярли тўла-тўкис вайрон қилиш эвазига пул қадрсизланишининг олди олинди. Лекин бу иқтисодиётнинг мавжуд секторига сармоя солишни қўпайтирмади. Пулнинг доимий етишмаслигидан бутунлай ҳолдан тойган иқтисодиёт маблағ талаб қилмоқда, пенсионерлар — пенсия, талабалар — стипендия, ишчилар — иш ҳақи талаб қилмоқда, давлатда эса пул йўқ. Россия ҳокимияти халқаро валюта жамғармасининг тавсияларига қарамай, ҳеч нарса билан таъминланмаган қоғоз пулни босиб чиқариш тўғрисидаги масалани жиддий равишда қуриб чиқаётгани тасодиф эмас, бу ҳол пул қадрсизланишининг яна кучайишига олиб келади. Бу — иқтисодий сиёсатнинг барча қурбонлари беҳуда кетишини билдиради.

Иқтисодий сиёсат яна бир соҳада бутунлай муваффақиятсизликка учради. Гап хусусийлаштириш тўғрисида бормоқда. Россияда давлат мулкини еппасига хусусийлаштириш шунга олиб келдики, мамлакатда самарали ишлай оладиган мулк эгаси деярли қолмади. Давлат иқтисодиётни бошқариш дастакларини қўлдан чиқариб юборди, янги мулк эгалари эса корхоналарни рақобатбардошли қилиш учун уларни янгилашга қодир эмаслиги маълум бўлиб қолди. Корхоналарни янгилаш учун маблағ ҳам, малакали менежмент ҳам етишмади. Бир қанча молия тузилмалари ҳукумат амалдорлари ердамида гаровга қўйилган кимошди савдоси орқали энергия манбалари, қора ва рангли металлар ишлаб чиқариш соҳасидаги энг лаззатли луқмаларни эгаллаб олди. Бироқ улар бюджетдан маблағ олмай ва хорижий сармояни жиддий жалб этмай туриб, янги олинган компанияларни ишга туширишга қодир эмас. Бундай бозор ислоҳотлари натижасида биз самарали ишлайдиган давлатга ҳам, самарали ишлайдиган мулк эгасига ҳам, самарали ишлайдиган бозор механизмлари ва тартибига ҳам эриша олмадик.

Мамлакат мустақил Россия давлати ташкил топганининг беш йиллигини вужудга келаётган бизнес билан давлат ўртасида ресурсларни назорат қилиш ҳамда мамлакатдаги ҳокимият учун кураш кучайган бир вазиятда кутиб олмоқда. Ҳозирча бу курашда банк капитали олигархия гуруҳининг қўли баланд келмоқда, бу гуруҳнинг ҳокимият тузилмаларидаги вакили бўлмиш Чубайс ҳукуматни, Президентни, барча оммавий ахборот воситаларини қуч ишлатиш билан боғлиқ тузилмаларни ўзига тўла-тўкис бўйсиндириб, ижроия ҳокимиятнинг барча бўғинларини ва Москванинг минтақаларни назорат қилишини қайта тиклашга уринмоқда. Лекин бу гуруҳнинг ресурслари етарли эмаслиги равшан. У Россия бизнесининг катта гуруҳлари ҳамда сиёсат учун ҳаддан ташқари ёқимсиз, шу сабабли у ўз мақсадларига эриша олмайди. Бу курашнинг қандай тугаши кўп жиҳатдан Президентнинг саломатлигига боғлиқ. Қисқа қилиб айтганда, ислоҳотлар бошланганч, беш йил ўтгандан сўнг Россияда ҳокимият учун кураш янги қуч билан авж олаётганини, бу йил давлат тарафдорлари, ватанпарварлар ва радикал демократлар ўртасида, ҳокимият устида ким туришидан қатъи назар, марказ билан минтақалар ўртасидаги курашда ҳокимиятни жипслаштиришга уриниш йили булади, деб айтиш мумкин.

Россия матбуоти материаллари асосида.

ҚИПЧОҚЛАР ҚИРҒИНИ

Роман-хроникадан парча

Ёзувчи, газетамизнинг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири Алишер Ибодинов яқинда «Сўнгги Темурий» номли ҳужжатли роман- хроника ёзди. Бу Қўқоннинг охирги ҳукмдори Саййид Муҳаммад Худоёрхоннинг ҳаёти тасвирига бағишланган ўзига хос асар бўлиб, ундаги барча воқеа ва образлар фақат тарихий ҳужжатларга асосланган. Қуйида ушбу роман-хроникадан бир парча ҳавола қилинади.

Ҳижрийнинг 1268 йили. Худди шу йили, бугундан деярли 144 йил муқаддам ўзининг чексиз узоқ тарихи саҳнасида юзлаб фожиаларни кўрган Марказий Осиё кенгликларида яна бир қонли фожиа рўй берди. Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, қозоқ ва қирғизларнинг бепоён дашт-чўлларида шу ҳудуддаги бошқа ўнлаб халқлар каби яшаётган қипчоқ номли элат ўлим жазосига ҳукм этилди. Ҳа, инсоният тарихида илк марта якка одам ёки айрим гуруҳлар эмас, балки бутун бошли халқ — бешиқдаги гўдакдан тортиб мункиллаган мўйсафидгача, қипчоқ элатига мансуб ҳар бир одам боласи қиличдан ўтказиладиган бўлди. Ҳеч қандай гуноҳсиз кишиларнинг энг олий жазо — ўлимга маҳкум этилишига фақат бир нарса — қипчоқ бўлиб туғилганлигигина сабаб бўлди, холос. Сизга бу ҳол тарихда машъум из қолдирган яна бир воқеани эслатяптими? Ҳа, XX аср бошларида яҳудий халқини қатли омга ҳукм этган манфур Гитлернинг геноцид сиёсати ҳали ҳеч кимнинг тушига кирмаган пайтлар эди...

Мамлакат нотинч, хоннинг энг ашаддий ёвига айланган маккор Мусулмонқул Кетмонтепада туриб, янги фитна тўрларини тўқимоқда эди. Кўп ўтмай у қипчоқлардан иборат қўшин йиғиб Изосканни забт этди. Мамлакат узра қонли уруш хавфи туғилди. Қўқоннинг ўзида ҳам сиёсий вазият қалтис: эътиборли қипчоқ бек ва боёнлари Мусулмонқул билан махфий хат ёзишиб, қўзғолонга тайёргарлик кўра бошлашганди. Хоннинг махсус одамлари шундай хатлардан бир-иккисини қўлга туширишди. Мулла Қулбобо рисолачи билан Мулла Каримқул дастурхончи мингбоши — Ўтамбой қушбегидан яширин тарзда хонга қипчоқларнинг Мусулмонқулга ёзган хатларини кўрсатишди. Чунки Ўтамбой қушбеги ҳам қипчоқ эдида...

Хатлардан маълум бўлишича, Мусулмонқул бу сафарги юришга ўта жиддий тайёргарлик кўрган. Қўқонни эгаллагач, Норбўтабий авлодларини битта ҳам қўймай қириб ташлаш ва ўзини хон қилиб кўтариш режасини тузган эди. Мусулмонқул даврида хонликдаги катта ер-мулкларини эгаллаб турган қипчоқ зодагонлари, табиийки, бу режани маъқуллагандилар.

— Қандай маслаҳат берасизлар? — сўради хон бу икки яқин аъёнларидан.

— Жаҳонпаноҳ! — деди Мулла Каримқул дастурхончи, — хотиржамлик ғафлат белгисидир. Ғафлат ила ўтириб вақт ўткармоқ ақлдан хориж иш. Мусулмонқул икки дарё ўртасида (Норин ва Қорадарё кўзда тутиляпти муал.) беадад қўшин йиққан. Андижон, Шаҳрихон ва Балиқчи ҳокимларига ҳам ишонч йўқ. Вазиятга қараб улар Мусулмонқул тарафига ўтиб кетишлари эҳтимол... Қўқон ва пойтахт атрофидаги ҳар бир қипчоқ ёв қўлида қурол ушлашга ярайдиган ҳозир қилич қайраяпти. Хуллас, салтанат тақдири хавф остида. Ёлғиз умид Тошкентдан. Тошкент азалдан қипчоқларни ёқтирмайди. Зимдан бир мактуб ёзиб, хушёр одам орқали тошкентлик давлатхоҳларимизга юборсак. Улар қўшин билан Қўқонга келишса маъқул бўларди.

Икки кундан сўнг Қўқоннинг энг эътимодли ва ишончли уламолари хон ҳузурига таклиф этилди.

— Бизнинг қаламравимизда бўлган раиятнинг аксари тахтимизга садоқат ила хизматдалар, — деди Худоёр уламоларга, — бироқ, ўзларингга маълум, аҳли қипчоқ юрт бошига не-не қулфатлар солиб, шўриш ва ғавғо билан банд. Аларга дини исломда қандай аҳком лозимдур?...

Саломхонага жимлик чўкди. Шу пайт ёш уламолардан мулло Иноятулло маҳдум таъзим билан сўзга ижозат сўради:

— Эй авлоди соҳибзодалар! Силсилаи нақшбандия аҳли дилари! — дея уламоларга мурожаат этди у.

— Бу муборак даргоҳда каминанинг хотирига бундан саккиз йил аввал, шу ерда уламои аввал жаноб ҳазрат Миён Халил Соҳиб билан ўтган воқеа тушибдир. Ўшанда ланғи маълум Мусулмонқул ҳазратнинг қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдириб, Тошкентга хонзода Саримсоқбек ҳузурига юборганди. Ҳазрат Мусулмонқулнинг яхшилик ваъдасига ишониб, Саримсоқбекни Ўрдага олиб келдилар. Аммо Мусулмонқул ҳазратнинг ҳар қанча амри маъруфларига қарамай бечора шаҳзодани даражаи шаҳодатга еткурди. Жаноб ҳазрат эшон бу воқеадан кўп малолхотир бўлиб, азбаройи кўнгли оғриганидан Тошкентга кўчиб кетдилар. Ҳазрат эшон кетиш арафасида менга шундай деган эдилар: «Бу қипчоқия тоифаси яқинда бало ва офатга гирифтор бўлиб, наҳс феъли бадларидан ҳаммалари ҳалок бўлгайлар!» Тақсир ўшанда каромат қилган эканлар. Зеро, бу қавм боғий ва муфсиддир!»

Уламолар шу куни «қипчоқ боғий ва муфсиддир», яъни «қипчоқлар исёнчи, ғалаёнчи, юртбузуқи, зарарли халқдир» дея фатво беришди. Исёнчи ва зарарли халққа эса ўлим ҳукми чиқарилмоғи жоиз эди...

Аммо хон Тошкентга ёзилган мактубида уламолар ҳукмини билдирди-ю ўзи томонидан ҳеч қандай кўрсатма бермади.

Тошкентда хон мактубини олгач, Муҳаммад Ниёздодхоҳ, Қосимбек, Ниёзалибий, Фозилбий, Қамбарбий, Ёқуббек, Суфибек, Каримқул понсодбоши каби шаҳар улуғлари ўзаро кенгашдилар.

— Эй, бу қипчоқ қачонгача бошни оғритади? — Негадир даврага ўшқирди Каримқул понсодбоши. — Юртда тинчлик бўладими - йўқми?

— Давоси битта. Бу қавмни орадан кўтариш! — Аста, лекин залворли оҳангда сўзлади Муҳаммад Ниёзбий.

— Уламолар қипчоқларни боғий ва муфсид деб эълон қиладурлар, — деди Қосимбий. — Лекин, биз каби қўлида қиличи, лак-лак қўшини борлар эрса хотиржаммиз... У даврадагиларга бир-бир қараб чиқди.

— Гап мундоқ, — кўзи қонга тўлиб даврага тикилди Қосимбий. — Эртага хонни дуо қилгани борамиз, дея Қўқон сари отланайлик. Икки-уч минг йигит тўплайлик. Қўқонга бориб, номики қипчоқ бўлса, ўлдиришга изн берамиз. Бир қипчоқни ўлдирганга бир танга, тамом-вассалом!

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, тошкентликлар лашкари Сирдарёдан ўтиб. Бешарикдаги Чорбоғ Тўронғи қишлоғида тўхтади. Қипчоқларни қириш аҳдида йўлга чиққан фитнакашларга Нормуҳаммад қушбеги ҳам қўшилган, юраксиз бу одам ўз оиласи ва яқинлари, қоларверса, амали тақдиридан хавфсираб, ўз элатини қирғин қилишларига рози эди. Қўшин Чорбоғ Тўронғида қўр тўкди. Худоёрхонга мақсадни англатиб, чопар юборишди...

***

Айрим тарихий манбаларда хон қипчоқлар қирғинига «бош қўшмаган» деган тасдиқ ҳам мавжуд. Масалан, Мулла Олиммаҳдум ҳожи «Тарихи Туркистон» китобида шу хусусда сўз юритиб, «Худоёрхон бу хабарни эшитиб, ҳайрон бўлиб, ҳеч тарафга мойил бўлмай аларнинг саволига ҳам жавоб бермай, такяни Худога қилиб турибди».

Мирза Олим Мушриф эса, аксинча, бу қонли элаткушликнинг асосий ташкилотчиси хон бўлган, дея ишора қилади «Ансоб-ус-салотин...» китобида. В. Наливкин, В. Вельяминов-Зернов ва бошқа Қўқон тарихи билан шуғулланган рус олимлари ҳам қирғинда Худоёрхоннинг қўли борлигини таъкидлайдилар. «Ўтган кунлар»ни ёзиш жараёнида ўша ҳужжатлар билан танишган Абдулла Қодирий ҳам романда даҳшатли биродаркушлик учун айбни тўласича хонга ағдариши бежиз эмас.

Тарих саҳнасида бундан минг йиллар муқаддам пайдо бўлган, бир вақтлар Европа ва Осиёнинг сара давлатларини зир титратган қипчоқ элати Фарғона водийсида ўзининг сўнгги кунларини кечирмоқда эди. Қипчоқлар кўҳна туркий, кўчманчи халқлардан эдилар. Ҳозир ҳам Украина, Венгрия, Болгария дашту-далаларида, Россия, Қозоғистоннинг бепоён чўлларида қипчоқлар қолдирган минглаб ёдгорликларни учратиш мумкин. VIII-X асрларда қипчоқлар Днепр ва Дон дарёлари оралиғида яшар эдилар. Киев Руси давлати бу қабиладан доимий хавфда яшар, уларга ўлпон тўларди. X-XII асрларда қипчоқлар ҳозирги Украина ва Россиянинг жанубий қисми, Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Урал ва Волга бўйи ҳудудларидаги кўз илғамас кенгликларнинг танҳо ҳукмронлари эдилар. Мана шу ҳудудларнинг барчасини руслар Поле деб аташарди. Рус солномаларида қипчоқлар шу боис ҳам «половец», яъни поле одами, даштий одам тарзида келтирилади. Мусулмон тарихчилари эса бу ҳудудларни ўз номи билан «Дашти қипчоқ» деб атаганлар.

XIV-XIX асрларда Рус давлатининг кучайиб, кенгайиб бориши туфайли уларнинг эски, хунхор ёвлари — қипчоқлар аста-секин Жанубга Марказий Осиёнинг дашт ва тоғлари, шаҳар ва қишлоқлари томон кўчиб кела бошлаганлар. Бу элат асосан Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида кўплаб яшарди. XIX аср ўрталарига келиб, улар Қўқон мамлакатидаги йирик халқ ва жиддий сиёсий кучга айланишганди.

***

... Эрта тонгда ҳали қуёш ётоғидан бош кўтармай туриб Тошкент йигитлари шаҳарга кириб боришди. Бомдод намозини ўқиб олган аҳли Қўқон нонушта тараддудида. Қўқон йигитларининг бир қисми ҳам белгиланган жойларда тўпланиб, туни билан чарҳланган пичоқлари дастасини маҳкам ушлаган ҳолда ўзаро шивирлашиб, кимлар қайси қипчоқнинг уйини босишини келишиб олишмоқда. Келишувга мувофиқ карнай чалиниши билан қирғин бошланмоғи даркор эди. Тошкент қўшинлари Ўрдага етиб борган пайтда Ўрда дарвозаси олдида юзга яқин асирлар — банди олинган қипчоқлар ҳам туришарди. Андижон, Шаҳрихон ва Балиқчи ҳокимлари Мусулмонқулнинг икки сув орасида қўшин йиғаётганини эшитиб, дафъатан унга ҳужум қилишган, тўсатдан бўлган ҳужумга қарши чиқиш яхшиликка олиб бормаслигини пайқаган Мусулмонқул эса тоққа қочган эди. Ҳокимлар у ерда саросимага тушган одамларнинг бир қисмини ўлдириб, бир қисмини хонга садоқатлари рамзи сифатида унга пешкаш қилиб юборганди. Андижонлик саркарда Боймурод Ботир додхоҳ асирларни Ўрда дарвозаси тагига тўплаб, хоннинг чиқишини пойлаб турарди.

— Ур қипчоқни!

— Қипчоқ боғий ва муфсид!

Шу ўронни кутиб турган карнайчилар жон-жаҳдлари билан карнайларни варанглатиб юборишди. Андижондан келтирилган асирлар қирғиннинг дастлабки қурбонлари бўлишди. Ваҳшиёна ҳаяжон ва ҳадсиз нафрат онгларини кўр қилган йигитлар асирларни қийма-қийма қилиб ташлади. Тўполонда кимдир ҳатто Боймурод додхоҳнинг ўзини ҳам чопиб юборди. Сўнг йигитлар маҳаллаларга тарқалишиб, қаерда қипчоқ зоти бўлса, қиличдан ўтказаверишди. Аёллар, болалар ва кексалар ҳам аялмади. Ўрда ва унинг атрофларида буғдой ғарамларидай тўп-тўп одамлар ўликлари пайдо бўлди... Шаҳарнинг тор, ингичка кўчаларидаги тизза бўйи тупроқ қон ила ийланиб, лойга айланди. Қўқон ва унинг атрофлари, Тошкентда, водийнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида икки кун хунрезлик давом этди.

***

В. Наливкиннинг ҳисоб-китобларига қараганда, шу икки кун ичида энг камида йигирма минг қипчоқ ўлдирилди. Қирғин кўламини тасаввур этиш учун битта мисол кифоя. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, Қўқон шаҳрида якка-ягона қипчоқ — Ўтамбой қушбеги тирик қолган, холос. Айтишларича, юз бераётган мислсиз қирғиндан даҳшатга тушган Ўтамбой бола-чақасини ҳам ташлаб, Ўрдага қочиб киради ва Саломхона тўрида ўтирган Худоёрхоннинг орқасига яширинади...

Минг йиллар давомида Европа ва Осиёни даҳшатга солган буюк бир миллат шу куни ўзининг сўнгги дамларини ўтказди. Қўқондаги қипчоқлар қирғинидан кейин бу элат ўзини ўнглай олмади, уларнинг қолган-қутган қисми бошқа элат ва уруғлар орасига кириб, қумга сингган сувдек йўқ бўлиб кетди. Ҳозир Қўқон ва Марғилон атрофларида сақланиб қолган Қипчоқ, Қипчоқобод, Қипчоқлар деб аталадиган жой номларигина бу халқдан қолган ёдгорлардир...

Муносабат

МАҚТОВ ЁҚМАСА — ҲУШЁРСАН

Ўзи шунақа бўлади. Балки, бу табиатимизнинг ўзига хослигидан. Ҳар қалай оилада ё жамоада бўлмасин ортиқча эътибор, такаллуф, қолаверса, мақтов кўпинча салбий оқибатларга сабаб бўлади. Болангизга ҳам тур-ўтир, е-ич, келдингми-кетдингми деяверсангиз ҳаракатию фикрлашида мустақиллигини йўқатаёзади. Шу жиҳатдан қараганда, футболимизни ривожлантириш, жаҳон андозаларига мослаш борасида кам эътибор қилинаётгани йўқ. Ҳамма гап ана шу ҳамиятни ким қандай тушунишида.

Уйлаб кўрайлик. Ахир қайси юртда жисмоний тарбия, хусусан, футболни давлат аҳамиятига молик иш деб қаралади? Қайси юртбоши халқ севган ўйинга ана шундай эътибор кўрсатмоқда? Ўйга толасан, киши: футболимизни ривожлантириш билан Ўзбекистонни номию довруғини жаҳонга ёйиш учун бизда нима етишмайди? Барча омиллар мавжуд, имкониятлар етарли. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, болаларимиз Бразилия ёки аргентиналик тенгқурларидан зиёда футболга қизиқадиларки, сира кам эмас. Катталарнинг ҳам футболга муносабатию ихлоси баланд. Хўш, футболни янада оммавийлаштириш, тўп ўйинига ошуфталар сафини кенгайтириш, маҳоратли тўпурарларни тарбиялаш учун яна нима қилиш керак? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бундай ривожланишнинг ойдин йўли мукаммал ва мухтасар баён этиб берилган-ку! Қарор эълон қилинганига эса йил бўлди.

Мазкур тарихий ҳужжатнинг ҳар бир бандини бажаришга ким қандай муносабатда бўлмоқда? Футболга дахлдор кишиларнинг бари бу борада фидойилик, керак бўлса жафокашлик кўрсатяптими? Сирасини айтганда, ҳаммаси жойида, маромида бўляпти, деб айтолмаймиз. Ўтган йил футбол мавсумининг қандай кечганию футболимизда қандай ўзгаришлар юз бергани миллий терма жамоамизнинг Осиё кубоги учун курашни шармандаларча бой беришида ўз ифодасини топди, десак муболаға бўлмас. Очиғи, бундай маглубиятнинг силсиласи ўзимизда, ички имкониятлардан фойдалана олмаганимизда, омилларни ишга сололмаганимизда, деб тушунмоқ керак.

Тўғри, қарорни рўёбга чиқариш йўлида бирмунча саъй-ҳаракатлар қилинди. Хусусан, олий лига жамоалари профессионал клублар мақомини олди. Футбол ҳар бир ўйинчи учун касб-корга айланди. Жамоалар бозор иқтисодиётига мослашиб, хўжалик ҳисобини юритишга ўтдилар. Ўйингоҳлар рўйхатга олинди ва таъмирланди. Албатта, ўтказилган ниҳол дарҳол авжга кирмайди, мева ҳам беравермайди. Зотан, лоқайд боғбонлар ютқазади. Ўйинчиларимизда ватанпарварлик туйғуси етишмайди, деб нолийвериш ярамайди. Гоҳо, футболимизни бошқараётган, ташкилий ишлари билан банд бўлиб турган мутасаддиларнинг ўзида ана шундай нозик туйғу борми, деб савол бергинг келади.

Йил бошида турибмиз. Янги мавсумга тараддуд кўрилмоқда. Бу йил тарихий ҳужжатда кўрсатилган йўриқномаларни тўлиқ рўёбга чиқаришда ўзига хос бурилиш бўлиши лозим. Ҳали қилинадиган ишлар бисёр. Боиси, қарор бандларининг ҳаммаси ҳам «ишга» тушган дея олмаймиз. Резина, чарм тўплар, спорт кийим-бошлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни вужудга келтиришга тўғри келади. Ҳали маҳаллалар, мактаблар ва қишлоқларда оммавийликни таъминлашга имкон берувчи шарт-шароитлар етарли эмас. Кўпчилик клублар қошида ўсмирлар ва болалар жамоалари ташкил этилмаган. Аксинча, олий ва биринчи лига жамоаларига кўпроқ эътибор қилиниб, кўзга ташланиб қолган ўйинчилар кўнглини олиш билан банд бўлинмоқда. Бу эса, боқимандалик кайфиятини юзага келтирмоқда.

Катта футболни ташкил этиш тизими мукаммал ва мухтасар бўлганида назорат кучайтирилган, йўл қўйилаётган камчиликлар бартараф этилган, айниқса, учрашувларни бошқараётган ҳакамларга хос тарафкашликлар олди олинган бўларди. Ваҳоланки, ўтган мавсум охирида бир қанча жамоалар қарзга ботиб қолди. Айрим жамоалар эса (сабрига балли) ойлик маошни олмай, керак бўлса бутций ўрнига кета кийиб майдонга тушдилар. Хулласи, бу йил ҳам мухлислар олдида уялиб қолмаслик учун таҳлил, хулоса ва ижобатга кўпроқ аҳамият бериш лозим деб ўйлаймиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Александр ТЮРИКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. АҲМАД.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 28.931 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi | **1997 yil 16 yanvar, payshanba № 7 (22.092).** | Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

SARTAROSHXONAGA 15 MING DOLLAR

SAMARQAND. Shahar markazidagi Mustaqillik ko`chasida "Oriyon" shaxsiy firmasiga qarashli yangi sartaroshxona foydalanishga topshirildi. Orastalik maskani Angliya, Germaniya va Chexiyada ishlab chiqarilgan asbob-uskunalar bilan jihozlandi. Bunday uskunalar uchun Fayzulla Ziyoyevning shaxsiy firmasi 15 ming dollar hisobida xarajat qildi. Sartaroshxonada 14 nafar xodim aholiga maishiy xizmat ko`rsatmoqda.

Toshpo`lat RAHMATULLAYEV.

Qo`qon shahridagi "Rohat" xususiy savdo ishlab chiqarish firmasi sotuvchisi Mavluda Shokirova xizmatidan xaridorlar mamnun.

SH. OLIMOV (O`zA) olgan surat.

JOYNOMOZ, PARANJI, SOCHVON

TOSHKENT. O`zbekiston Davlat san`at muzeyi bir vaqtlar xotin-qizlarimiz o`ziga xos e`zozlagan joynomoz, paranji va sochvonlar bilan boyidi. Bu eksponatlar muzeyning xalq hunarmandchiligi bo`limiga qo`yildi. Buyumlar muzey "xazinasi"da saqlab kelinardi. U XIX — XX asrga oid bo`lib, chevarlarning nafis mehnatidan nishonadir. Muzey xodimlari eksponatlarni 1934-36 yillarda Toshkent, Samarqand, Qashqadaryo, Buxoro shaharlariga safar chog`ida sotib olishgan.

Mahmud AHMEDOV.

1996 йил 30 декабрь куни Хоразм вилояти Хонқа туманларарo «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қуйидагича серияли ва тартиб рақамли векселлар тушириб йўқотилган.

серия	номер	сумма
ДОН-001	0009204	50000-
ДОН-002	0001964	250000-
ДОН-001	0004378	250000-
ДОН-001	0007639	250000-
ДОН-001	0006905	250000-
ДОН-001	0001090	250000
ДОН-001	0000387	250000-
ПС-003	Г3104733	500000-
ПС-003	Г3102299	500000-
жами:		2550000 сўмлик.

Ушбу йўқотилган векселлар **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Бадиий жамоалар дирекцияси тизимидаги Юнус Ражабий номли мақом жамоасининг етук хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокиржон Эргашев оғир касалликдан сўнг 72 ёшида вафот этди.

У узининг босиб ўтган сермазмун умри давомида ўзбек мусиқаси ривожида ўчмас из қолдирди. У етук мақом хонандаси, хассос ҳофиз сифатида марҳум академик Юнус Ражабий билан камарбасталикда Бухоро шашмақомини магнит тасмага туширишда иштирок этди. Шунингдек, у ўнлаб мумтоз қўшиқларни ҳамда ўзбек бастакорлари яратган бир қанча асарларни маромига етказиб қуйлади.

Шокиржон Эргашевнинг ўз ашулачилик услуби, ўз овози бор эди. Унинг ёзиб олинган 400 дан ортиқ қўшиқлари ҳозирги кунда ҳаво тўлқинларида янграб келмоқда ва улар халқимизнинг бебаҳо мусиқий маънавияти дурдоналарига айланган.

Марҳумнинг порлоқ хотираси унинг оила аъзолари, барча қўнгил яқин дўстлари ва кенг мусиқа жамоатчилиги хотирасида абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

«Саодат» журнали жамоаси атоқли ҳуқуқшунос олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Саодат» журналининг собиқ таҳрир ҳайъати аъзоси **Мамлакат Собировна ВОСИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти жамоаси етакчи илмий ходим, тарих фанлари доктори Р.Е.Ражаповага онаси **Нагима РАЖАПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.